

## АҲОЛИ ОСОЙИШТАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

**ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ АҲОЛИ ЯШАШ ШАРОИТЛАРИ, ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ВА ОБОДОНЧИЛИК ИШЛАРИНИ КЎРИШ МАҚСАДИДА 12 ДЕКАБРЬ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МАҲАЛЛАЛАРДА БЎЛДИ.**

Дастлаб “Тошкент иссиқлик маркази” корхонасининг Учтепа туманидаги иссиқлик маркази бориб кўрилди. Давлатимиз раҳбари бундан ролпа-роса бир йил олдин бу ерга келганида аҳвол жуда аянчли эди. Бу марказ 1969 йилда қурилган, шундан буён капитал таъмирланмаган. Қозонхона ҳам, тармоқлар ҳам эскирган эди. Утган қишда ҳаво кескин совиган пайтларда иссиқлик ишлаб чиқариш муаммо бўлганди. Шу боис Президентимиз тармоқларни таъмирлаш ва барқарорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Бу галги таширф чоғида мутасаддилар шу ҳақда ахборот берди. Берилган топиширқлар тўла амалга оширилган. Мажмуа қозонхонаси жами 700 Гкал қувватга эга, мингдан ортиқ кўп қаватли уй ва 400 дан зиёд ижтимоий муассасаларга иссиқлик етказиб беради.

Жорий йилда мазут ҳўжалиги ва сифмлари қурилиб, қозонларнинг иккитаси аралаш шаклда – газ ва мазутда ишлашга мослаштирилган. Булар натижасида қозонхона ва тармоқ совуқ ҳароратда ҳам барқарор ишлайди. Бундай пайтларда захираланган мазутдан ишлатилади. Қувурлар изоляцияси мустаҳкамлангани учун иссиқлик йўқотилиши ҳам камайган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Тошкент шаҳри ва Учтепа тумани мутасаддилари билан мулоқот қилди. Маҳаллалардаги янги “еттилик” тизими фаолиятини самарали йўлга қўйиш, ижтимоий масалаларни аҳоли талаби асосида жойларнинг ўзида ҳал этиб, одамларни рози қилиш зарурлиги таъкидланди.

Жумладан, қишга тайёргарлик бўйича кўрилган чораларни ҳам одамлар сезиши керак. Иссиқлик

марказлари ва тармоқлардаги мавжуд муаммоларни тезкор бартараф этиб бориш, бино ва хонадонларда иссиқликни асраш долзарб вазифа экани қайд этилди.

Шу кун давлтимиз раҳбари Тошкент шаҳри Ички ишлар бош бошқармасининг Ягона тезкор бошқарув марказини бориб кўрди.

Ушбу марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Замонавий ускуналар билан жиҳозланган мажмуа “Геоинформацион электрон харита” дастури асосида ишлайди. Унга Ички ишлар, Адлия, Соғлиқни сақлаш, Транспорт ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамда Миллий гвардия, Солиқ қўмитаси каби идораларнинг 55 та электрон базаси интеграция қилинган. Тошкент шаҳридаги 10 мингдан ортиқ турар ва нотурар жойлардаги 7 минг 300 та видеокузатув камералари ҳам уланган.

Бу жамоат хавфсизлигига масъул куч ва воситаларни самарали бошқариш имконини бермоқда. Жумладан, кўча ва жамоат жойларида хизмат олиб бораётган ходимлар онлайн кузатиб турилади ва вазиятга қараб йўналтирилади. Натижада ҳодиса жойига 3-5 дақиқада етиб борилади.

Булар “хавфсиз шаҳар”, “хавфсиз маҳалла” мақсадларини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни эрта аниқлашда муҳим ўрин тутмоқда. Хусусан, ўтган даврда пойтахтда содир қилинган 925 та жиноят тезкор фош этилган.

Ягона тезкор бошқарув марказида “Е-манзил”, “Шакл-1”, “Е-мехмон”, “Кадастр” дастурларидан маълумот олиш ҳам йўлга қўйилган. “Бир миллион дастури” лойиҳаси доирасида ўқиган ёшлар томонидан “Қалқон” номли тизим яратилган.

Буларнинг барчаси халқимиз осойишталигига масъул идораларнинг самарали ҳамкорлигини таъминлаб, маълумотларни яхлит дастурда қайта ишлаш, тезкор вазият ва криминоген ҳолатларни автоматик таҳлил қилиш, муаммоларни баҳолаш орқали тўғри қарорлар қа

бул қилиш имконини бераётир.

Президентимиз марказда яратилган шароитларни кўздан кечирди. Бу тизимдан фойдаланиб, маҳаллалардаги профилактика инспекторлари ишини ҳам рақамлаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ва тезкорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёев раислигида қиш мавсумини беталафот ўтказиш бўйича вазифаларнинг бажарилиш ҳолати муҳофазаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, ўтган қишдаги совуқдан келиб чиқиб, бу мавсумга жиддий тайёргарлик кўрилди. Ички имкониятлар тўла ишга солиниб, тармоқлар модернизация қилинди. Муассаса, корхона ва маҳаллалардаги камчиликлар бартараф этилди.

Қўшимча энергетика қувватларини яратиш бўйича тизимли ишлар ташкил этилди. Натижада қишқа вақтда 675 мегаватт ишга туширилди, йил якунига қадар 2,2 минг мегаваттлик 7 та станция ишга туширилади. Шунингдек, 100 та подстанция, 11,5 мингта трансформатор ва 34 минг километр тармоқлар янгиланди.

Тошкент шаҳрида аҳоли кўпчилиги ва талаб юқорилиги боис бу масалага алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, пойтахтимизда жами қуввати 286 мегаваттга тенг 2 та янги подстанция қурилди. 228 та трансформатор, 1 минг 130 километр тармоқлар янгиланди. 260 километр юқори кучланишли кабел тармоқлари тортилди.

Давлатимиз раҳбари бу ишларни давом эттириб, дастур доирасида режалаштирилган вазифаларни қишқа муддатларда якунига етказиш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда айрим ҳудудларда энергетика тизимида кузатилаётган муаммолар муҳофазаси қилинди. Президентимиз ижтимоий тармоқларда билдирилаётган фикрларга алоҳида эътибор қаратди.

Масалан, Наманган вилоятидаги газ қуйиш шохобчаларида газ камайган. Андижон вилоятининг Баликчи, Пахтабод, Мархамат ва Андижон туманларида ҳаво совуши сабабли электр энергияси билан боғлиқ муаммолар кўпайган. Қашқадарё вилоятининг Ғузор ва

Касби туманларида чироқ кўп ўчаётгани маълум қилинган.

Давлат раҳбари бундай камчиликларни бартараф этиш ва келгусида олдини олиш лозимлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди. Электр тармоқлари ва газ таъминоти мутасаддиларига авария бригадаларини шай ҳолатга келтириб, туну кун ишлашини таъминлаш, зарур восита ва материаллар захирасини кўпайтириш бўйича топириқ берилди.

Бу йил кўмир таъминотида ҳам янги тизим йўлга қўйилди. Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар натижасида 5 миллион 900 минг тонна кўмир қазиб чиқарилди. Аҳолига 930 минг тонна, ижтимоий соҳа учун қўшимча 93 минг тонна кўмир етказилди.

Ҳудудлардаги омборларда турган кўмирни аҳолига ва ижтимоий соҳага етказилишини кундалик назоратга олиш, иситиш тизими давлат-хусусий шерикка ўтказилган объектларда зарур кўмир захирасини яратиш кераклиги айтилди.

Энергия ресурсларидан оқилон фойдаланиш, қонунга хилоф ҳолатларни чеклаш муҳимлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Бугундан бошлаб барча ҳуқуқ-тартибот органлари ва ижтимоий инфратузилма хизматлари 24 соатлик иш тартибига ўтиши белгиланди.

Йиғилишда Янги йил байрами олдида аҳоли фаровонлиги учун шароитларни янада яхшилаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Маданий тадбирлар юқори даражада ўтказилиши, кўнгилочар дастурлар ва хизматларни кўпайтирилиши қайд этилди. Шунингдек, бозорларда арзонлаштирилган савдо ярмаркалари ташкил этилади. Нарх-наволарни асоссиз оширишга уруниш Бош прокуратура томонидан назоратга олинади.

Шунингдек, жамоат транспортларининг барқарор қатновини таъминлаш, метро ва автобусларда аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш муҳимлиги таъкидланди. Бекатларда шароитларни яхшилаш, йўлларни тозалаш ва ҳаракат хавфсизлигини ошириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Йиғилишда қишга тайёргарлик бўйича Ҳукумат комиссияси ва бошқа мутасаддиларнинг ҳисоботи эшитилди.

ЎЗА

### БУГУНГИ СОНДА:



**ИЧИМЛИК СУВИ НАРХИ НЕГА ОШДИ?**

ШАРҲ ВА ТАҲЛИЛ



**ЖИЗЗАҲДА...**

ҲОКИМЛАР ГАЗЕТА ЎҚИЙДИ!



**БИР ЛАҲЗАЛИК ЭРМАК**

ҚИММАТГА ТУШМАЯПТИМИ?

## XXI АСРНИНГ 24-ЙИЛИДА ҲАМ “XXI asr” БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!

**Обуна 2024**

**Обуна индекси – 406.**  
**Мурожаат учун телефон: 71 255 68 50.**

### ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

## МАҚСАДЛАР УЛКАН, ВАЗИФАЛАР ЖИДДИЙ

*О‘зЛиДеР Андижон вилояти кенгашида партия Сийёси Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хаитов иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашлари депутатлари, партия ҳудудий кенгашлари аппарати раҳбарлари, фахрийлар, ёшлар парламенти аъзолари, фаоллар иштирок этди.*



Тадбирда партия етакчиси сўзга чиқиб, янги таҳрирдаги Конституциямиз, хусусан, можаритар ва пропорционал сайловлар ҳақида тушунча берди. Шунингдек, ҳозирги кунда долзарб бўлиб турган тўртта асосий масалага атрофлича тўхталди. Жумладан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган мақсадлар ижроси бўйича ишчи гуруҳлар томонидан жамоатчилик назорати тадбирларини тизимли ташкил қилиб бориш гоят долзарб эканини таъкидлади. Бу

борада барча ҳудудларда бўлгани каби Андижон вилоятининг туман ва шаҳарларида ижтимоий соҳа объектилари, куз-киш мавсумига тайёргарлик ишлари, озиқ-овқат захиралари ҳамда фармацевтика йўнали-

шида олиб борилаётган ишлар атрофлича ўрганилиб, партия депутатлик гуруҳи томонидан мансабдор шахслар ҳисоботларининг эшитувлари ўтказилаётгани қайд этилди.



## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ИЖРОСИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАНДИ?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар.*

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2023 йил тўққиз ойидаги ижроси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонунда белгиланган бюджет параметрлари доирасида амалга оширилди ҳамда Президент фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашга йўналтирилди. Асосий иқтисодий ҳамкорларимиз бўлган давлатларда иқтисодий ўсишнинг пасайиши ҳолатлари кузатилаётганига қарамай, ўз вақтида амалга оширилган кенг қўламли ва изчил ислохотлар Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш имкониятини берди.

2023 йилнинг тўққиз ойида мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми 5,8 фоизга, хизматлар соҳаси 6,5, саноат 5,7 фоизга, қурилиш ишлари 5,6 ва қишлоқ хўжалиги 4,1 фоизга ўсди. Аҳоли жон бошига умумий даромадлар 14,3 фоизга ошиб, 14,4 млн сўмни ташкил этди. Ҳисобот даврида давлат бюджети даромадларининг ҳажми 162,9 трлн сўмни ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 16,6

қаратилган энг долзарб вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган.

Муҳокамалар давомида аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган “Ташаббусли бюджет” лойиҳалари жамоатчилик фикри асосида шакллантирилиб, уларга 3,9 трлн сўм бюджет маблағлари йўналтирилгани, шунингдек, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш ҳамда аҳолининг долзарб муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқ тадбирларга 6,1 трлн сўм сарфлангани депутатлар томонидан ижобий баҳоланди.

Фракция аъзолари эришилган ижобий натижалар билан бирга, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағларидан самарали фойдаланиш борасида айрим камчиликларга йўл қўйилганлигига ҳам эътибор қаратдилар. Хусусан, харажатлар соҳалар кесимида белгиланган режага кўра, тўлиқ ижро этилмагани, ижтимоий харажатлар 96,5 фоизга амалга оширилган бўлса-да, ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш учун ажратилган маблағлар 85,2 фоизга, фанни ривожлантириш харажатлари 90,7 фоизга бажарилгани сабаблари билан қизиқдилар. Ҳукумат аъзолари берилган саволлар юзасидан батафсил тушунтиришлар бериб ўтишди.

деган саволни ўртага ташлади. Рақамли технологиялар вазирлиги масъули ушбу савол юзасидан атрофлича тушунтириш бериб ўтди.

Депутат Баҳром Раҳмоналиев эса берилган маълумотларда давлат-хусусий шериклик ва давлат олий таълим ташкилотларининг бююртмалари асосида талабалар турар жойини барпо этиш бўйича лойиҳалар учун субсидиялар 201 889,3 сўм ажратилган бўлиб, 89,8 фоизга ўзлаштирилгани, лекин ҳисоботда маълумотлар очикланмагани, яъни қайси ҳудудда, қайси олий таълим муассасаси давлат-хусусий шериклик асосида қурилгани бўйича аниқ рақамлар келтирилмаганини қайд этди. Мутасаддилар ушбу савол юзасидан аниқ мисоллар асосида тушунтириш беришди.

Қизғин баҳс-мунозалар, узоқ давом этган савол-жавоблардан сўнг, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2023 йил 9 ойлик ижроси якунлари тўғрисидаги ҳисоботи маъқулланди.

Йиғилишда кўриб чиқилган навбатдаги масала – “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига божхона тартиб-таомилларини янада тақомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан товарларни олиб киришда божхона қийматини аниқлаш билан боғлиқ нормалар Жаҳон савдо ташкилоти қоидаларига мувофиқлаштирилмоқда. Шунингдек, божхона тўловлари ва товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш бўйича божхона органларига дастлабки қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилмоқда.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг аҳамияти ва заруратидан келиб чиққан ҳолда, уни янада тақомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирди. Лойиҳадаги айрим нормалар бўйича қатор саволларни ўртага ташлашди. Қонун ташаббускорлари берилган таклифлар, саволлар юзасидан асосланган тушунтиришлар беришди.

Уларнинг айтишича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши орқали иқтисодиётга ҳорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Ўз навбатида, қонунчиликдаги бўшлиқлар бар-тараф этилади.

Йиғилишда кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,  
“XXI asr” мухбири

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

**О‘зЛиДеР “Аёллар қаноти” ташаббуси билан IT паркда Конституциямиз қабул қилинганлигининг 31 йиллиги муносабати билан тадбир ташкил этилди.**

Видеоконференцалоқа шаклида ташкил қилинган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Мавлуда Хўжаева, Тўлқинжон Каримов, IT парк ҳудудий ривожлантириш бўйича бош директор ўринбосари Файзулла Арипжанов, партия фаоллари иштирок этди.

Нотиклар янги таҳрирдаги Конституциямизнинг мазмун-моҳияти ва унинг аҳамияти ҳақида батафсил тўхталишди. Таъкидланганидек, янги таҳрирдаги Қомусимиз моддалари 128 тадан 155 тага, нормалари 275 тадан 434 тага кўпайди, яъни ҳужжат қарийб 65 фоизга янгиланди. 128 та моддадан 91 тасига концептуал ўзгартиш киритилди.

Асосий қонун мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегияси, юртимиз ва халқимизнинг эр-

## БОШ ҚОМУСИМИЗ – ИНСОН МАНФААТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ УЧУН



танги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратди. Бугун юртимизда бош қонунимиз асосида янги ижтимоий-сиёсий муҳит шаклланимоқда, инсон ҳуқуқ ва

эркинликларини ҳимоя қилишнинг мураккаб ўзига хос механизмлари ҳаётга татбиқ этилмоқда, миллий парламентаризм институти янада тақомиллашмоқда.

### БУХОРО

**О‘зЛиДеР ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгашлари ҳамкорлигида Бухоро давлат университетида ўтказилган давра суҳбатини ректорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Рустам Жумаев кириш сўзи билан очиб берди.**

Партия вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари Бобомурод Очилов асосий қонунимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ўз ифодасини топганини қайд этди. Талаба ёшлар янгиланган Конституциядан ўрин олган ижтимоий давлат, “инсон – жамият – давлат” тамойили, парламентнинг юқори ва қуйи палаталари, сиёсий партиялар фракциялари, Президент, Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга ўтказиладиган сайловлар бўйича ҳам тўлиқ тушунчаларга эга бўлишди.

### ЖИЗЗАХ

**Айни кунларда О‘зЛиДеР Жиззах вилоят кенгаши томонидан маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, таълим муассасаларида Конституциянинг 31 йиллиги муносабати билан маданий-маърифий, тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.**

Маҳаллий кенгаш депутатлари, партия “Ёшлар қаноти” фаоллари, профессор ўқитувчи ва талаба ёшлар иштирокидаги шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон миллий университети Жиззах филиалида ҳам ташкил этилди.

### ҚАШҚАДАРЁ

**О‘зЛиДеР Қашқадарё вилоят кенгаши жамоатчилик билан aloқалар ва мафкуравий ишлар бўлими томонидан “Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖда “Янгиланган Конституциянинг асосий принциплари – Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегиясининг муҳим ҳуқуқий пойдевори” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.**

Янгиланган Конституциямизда инсон қадр-қиммати камситишга йўл қўймасликка қаратилган меъёрлар кенгайтирилди, – деди О‘зЛиДеР Қашқадарё вилоят кенгаши раисининг мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари Тоҳир Курбанов. – Ҳужжатнинг амалда бажарилиши бўйича нафақат давлат органлари, балки фуқаролик жамияти вакиллари, халқаро ташкилотлар билан узвий ҳамкорликка эътибор қаратилаётгани очиклик тамойиллари устуворлигининг асосидир. Янги таҳрирдаги Конституциямизда дунёвий давлат принциплари

## ЎҚИ, ИШЛА ВА ИҚТИДОРИНГНИ НАМОЁН ҚИЛ!

“Янгиланган Конституция – фаровон келажакимиз пойдевори” деб номланган анжуманда янги таҳрирдаги қомусимизда олий таълим ташкилотларига академик эркинлик берилиши, нодавлат таълим ташкилотлари қўллаб-қувватланиши тўғрисидаги қоидалар мустаҳкамлангани ҳақида атрофлича сўз юритилди. Янги Ўзбекистонда ўқийман, ишлайман, иқтидоримни намоён қиламан, деган ёшлар учун шароитлар муҳайёлиги айtilди.

Бу эътиборни биргина Жиззах вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда вилоятда 5 та олий таълим муассасаси фаолият олиб бормоқда. Уларда минглаб ёшлар ўзлари танлаган соҳаларнинг сир-асрорларини мукамил эгаллашга ҳаракат қилмоқда.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашув давомида ташкилотчилар талабаларни қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб қайтардилар.

## ҚАДР-ҚИММАТ КАМСИТИЛМАЙДИ



рўёбга чиқариш, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатни барпо этиш механизмлари мустаҳкамланиб, ҳар бир инсон учун фаровон турмуш даражаси, хусусан, сифатли таълим, кафолатли тиббий хизмат, муносиб меҳнат шaroити ва адолатли иш ҳақи, пенсия ва нафақалар, ижтимоий ёрдам ва хизматлар тизимини таъминлаш ўз ифодасини топган.

Давра суҳбатида Бош қомусимизда ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда кафолатлаш, давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратишини таъминлангани қайд этилди.

### НАВОИЙ

**Навоий вилояти “Иссиқлик манбаи” давлат унитар корхонасида ўтган тадбир “Конституция – Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳуқуқий асоси” мавзусида бўлди.**

Партия Кармана туман кенгаши ҳамда туман Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлиқка қўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган учрашувда вилоят депутатлари ва партиянинг “Аёллар қаноти” фаоллари иштирок этди.

– Бош қомусимиз жамият ҳаётининг барча соҳаларини изчил либераллаштириш ва модернизациялаш, таълим, фан, мада-

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

ният ҳамда маънавият ривожига муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир, – деди туман кенгаши депутати Ш. Носирова. – Ҳужжатда мамлакатимизда истиқомат қилаётган, миллати, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган.

Бошқа сўзга чиққанлар ҳам Конституциянинг мазмун-моҳияти, унинг Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳуқуқий асоси экани, фуқароларнинг бурч ва мажбуриятлари хусусида батафсил гапиришди.



трлн сўмга ошириб бажарилди.

Иқтисодиётда амалга оширилган харажатлар 2023 йилнинг 9 ойлигида 30 068,1 млрд сўмни ташкил қилиб, ушбу харажатлар ҳисобот давридаги жами давлат бюджети харажатларининг қарийб 15 фоизини ташкил этди.

Ўтган даврда маҳаллий бюджетларнинг даромадлар прогнози ошириб бажарилган қисми ҳисобидан 2023 йилнинг тўққиз ойида ҳудудлар ихтиёрида жами 3 трлн сўм маблағ қолдирилган. Мазкур маблағ ҳудудларни ривожлантиришга

Муҳокамалар давомида фракция аъзоси Шўхрат Шарофутдинов ёшларнинг ахборот технологиялари соҳасида салоҳиятини ошириш, шунингдек, мазкур билимларга қизиқтириш мақсадида халқаро IT сертификатларини олиш учун 50 фоизгача харажатларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаш тизими жорий этилгани, ҳисобот даврида бундай сертификатларга эга ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш дастурига давлат бюджетидан белгиланган маблағлар негизда тўлиқ ўзлаштирилмай қолган,

## МУАММО ВА ЕЧИМ

**Табият инъом этган энг катта неъматлардан бири бу – сув. Айнан ичимлик суви. Сайёрамизнинг 70 фоизи сувликдан иборат бўлса-да, унинг атиги бир фоизи истеъмолга яроқли. Бу жуда кам.**

**Айтиш жоизки, дунё аҳолисининг чорак қисми истиқомат қилувчи 25 давлатда ҳар йили сув танқислиги кузатилади. Узоққа бормайлик, Ўзбекистонда ҳам ичимлик суви муаммоси йилдан йилга кучаяётгани сир эмас. Ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилга бориб сув танқис бўлган 33 та давлат қаторига тушиб қолишимиз мумкинлиги тахмин қилинмоқда.**

**Президентимиз ташаббуси билан юртимизда сув танқислигининг олдини олиш, уни тежаш ва энг муҳими, мавжуд сув захираларимизни келажак авлодга етказиш учун қатор амалий ишлари олиб борилмоқда. Сув омборлари қуриляпти, сувдан ноқонуний фойдаланганлик учун жазо чоралари қучайтириляпти, аҳоли орасида тарғибот ишлари олиб борилляпти. Ичимлик суви нархларини ошириш орқали ҳам тежамкорликка чақирилмоқда.**

**Хўш, бу борадаги ислохотлар қандай самара беради, тарифлар ниманинг ҳисобига ошириляптию, нега турли ҳудудда турлича белгиланмоқда? “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи Шохруҳали САЪДУЛЛАЕВ саволларимизга жавоб берди.**

## ТАРИФ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ?

– Ўзбекистон ҳудудида ичимлик суви таъминотининг 42 фоизи ер ости ва 58 фоизи ер усти сув манбаларидан ишлаб чиқарилади.

Бугунги кунда марказлашган тизим орқали аҳолига узлуқсиз ва сифатли ичимлик суви етказиб бериш бирмунча машаққат, меҳнат ва харажат талаб этади.

Қонунга асосан, ичимлик ва оқова сув тарифлари Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилади, антимонополия ва молия органлари хулосалари асосида ҳудудий халқ депутатлари кенгашлари томонидан белгиланади.

Ичимлик суви тариф даражалари шакллантирилиши кўплаб омилларни ҳисобга олади. Тарифлар ҳудудларнинг географик жойлашуви, сув манбаларининг аҳоли пунктларига қўқлиги, чуқурилиги ва шўрлиги, қаттиқлик даражасига қараб қайта ишлаш харажатлари, шунингдек, электр энергия, иш ҳақи, реагентлар, мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари, амортизация ажратмалари, хорижий молия ташкилотларининг жалб этилган кредитларини қайтариш харажатларидан ташкил топади.

Республикада 1 метр куб ичимлик суви учун ўртача тариф аҳоли истеъмолчилари учун 1 384 сўм, бюджет ташкилотлари учун 2 851 сўм ва бошқа улгуржи истеъмолчиларга 3 187 сўм, 1 метр куб канализация хизматлари бўйича ўртача тариф аҳоли истеъмолчилари 888 сўм, бюджет ташкилотларига 1 669 сўм ва бошқа улгуржи истеъмолчиларга 2 001 сўмни ташкил қилади.

Республика бўйича аҳолига энг арзон 1 метр куб тариф қиймати Тошкент шаҳрида 400 сўм, энг қimmat тариф қиймати Навоий вилоятида 3 000 сўмни ташкил этади.

Бугунги кунда ичимлик суви тарифи аҳолига марказлашган тармоқлар орқали 1 литр сув 1 сўм 38 тийинга етказиб берилмоқда. Савдо дўконларида эса 1 литр



## ИЧИМЛИК СУВИ НАРХИ НЕГА ОШДИ?

пластик қадоқдаги сув ўртача 3000 сўмни ташкил этмоқда. Бундан кўринадики, 2 200 барабар арзон ёки савдо дўконларида харид қилинадиган 1 литр сув пулига Тошкент шаҳрида 7 минг литр ичимлик суви етказиб берилади.

Маълумот сифатида, 1 метр куб ичимлик сув тариф харажатларида электр энергия харажатлари 27 фоизни, мукамал ва жорий таъмирлаш харажатлари 19 фоизни, хорижий молия ташкилотларининг жалб этилган кредитларини қайтариш харажатлари 21 фоизни, иш ҳақи харажатлари 29 фоизни, амортизация ва бошқа харажатлар 4 фоизни ташкил этади.

## ТЎЛОВ НЕГА БИР ХИЛ ЭМАС?

– Ичимлик суви ишлаб чиқариш ва етказиб бериш харажатлари фарқлиниши ҳисобига тарифлар ҳар бир вилоят ҳудудларида ҳар хил ташкил этади.

Мисол учун, Тошкент шаҳрига ичимлик суви Бўзсув канали орқали, Андижон вилоятига эса, Кампиробод сув омборидан ер сатҳининг фарқи ҳисобига ўзи оқар тарзида етказиб берилади.

Навоий вилоятида ичимлик суви истеъмолчиларга сув таъминотининг 70 фоиздан ортиги Самарқанд вилоятидаги сув иншоотидан ичимлик сув қувурлари орқали етказиб берилади. Бунинг натижасида электр энергия камида 2 баробар кўп сарфланади.

Наманган вилояти мураккаб рельефли ҳудудда жойлашган бўлиб, асосий аҳоли пунктлари пастбаландликлардан иборат. Бу ўз навбатида ичимлик сувини истеъмолчиларга насос агрегатлари орқали 4-5 маротабагача кўтариб узатилиши натижасида катта миқдорда электр энергия сарфига олиб келмоқда.

Шунга кўра, ишлаб чиқариш таннархида электр энергияси харажатларининг улуши Тошкент шаҳрида 24 фоиз, Андижонда 14 фоиз, Наманганда 35 фоизни ташкил этади.

## ОСИЁ ВА ЕВРОПАДА ҚАНЧА?

– Марказий Осиёда ичимлик суви учун тўлов нархи энг юқори мамлакат Қозоғистон ҳисобланади. Мамлакатда ҳудудларга қараб аҳолига 1 метр куб сув учун 73 тенгедан (1 905 сўм) 304 тенгегача (7 934 сўм) белгиланган. Тожикистон аҳолиси эса 1 сомонида (1 061 сўмдан) 1,73 сомони (1 835 сўм) тўлайди.

Дунёда ичимлик сув учун энг қimmat тарифлар Европа давлатларига тўғри келади. Хусусан, Норвегияда 5,51 евро (71 минг сўм), Германияда 4,67 евро (60 минг сўм), Данияда 4,43 евро (57 минг сўм) ва Нидерландияда 3,99 евро (51 минг сўм).

## НАРХНИ ОШИРГАН ОМИЛЛАР

– Биринчидан, харажатларнинг ошгани:

- тариф даражалари сўнгги уч йилда ўзгаришсиз сақлангани натижасида ўрта ҳисобда 40 фоизга ошган таннарх харажатлари ҳисобидан 960 млрд сўм қопланмасдан қолгани;

- “Ягона биллинг тизими”ни жорий этиш, шунингдек, аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида сўнгги уч йилда амалга оширилган янги лойиҳалар ҳисобидан истеъмолчилар сонининг 3,2 млн нафарга (808 минг абонент) ошгани;

- соҳа ходимларини иш ҳақи миқдори сўнгги уч йилда ўртача 1,3 млн сўмдан 1,4 млн сўмга ёки атиги 10 фоизга ошгани;

- сўнгги уч йилда давлат томонидан 9,7 трлн сўм маблағ ҳисобига 18,6 минг км ичимлик ва оқова сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда 1 744 та иншоот қуриш ишлари олиб борилгани. Жумладан, Қашқадарёда 1,1 трлн сўм (2,4 минг км тармоқ ва 173 та иншоот), Сурхондарёда 1,3 трлн сўм (1,8 минг км тармоқ ва 98 та

иншоот), Тошкент вилоятида 1,2 трлн сўм (1,9 минг км тармоқ ва 311 та иншоот);

- халқаро молия институтларининг лойиҳалари давомида 410,3 млн доллар ўзлаштирилгани (шу йилнинг биринчи ярмида 106,7 млн доллар, 24 та лойиҳа доирасида). Жумладан, Қашқадарёда 19,2 млн доллар ва Тошкент вилоятида 147 млн доллар;

- қўшимча объектлар ҳисобига ишлаб чиқарилган сув ҳажми 2020 йилга нисбатан 2022 йили 243 млн метр кубга ёки 15 фоизга ошган. Электр энергия сарфи ҳам 70 млн кВт соатга (32 млрд сўм) кўпайган.

Таъминланганлик даражаси 2021 йил бошида республика бўйича ўртача 65,1 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда 74,4 фоиз.

Албатта, юқоридаги кўрсатилган лойиҳалар доирасида электр энергия, иш ҳақи, реагентлар, тармоқларни жорий ва мукамал таъмирлаш бўйича қўшимча сақлаш харажатлари юзага келган. Булар уч йил олдин тасдиқланган амалдаги тарифларда кўзда тутилмаган.

Иккинчидан, сув исрофини камайтириш.

Сўнгги пайтда Ўзбекистонда сув нархи арзонлиги боис уни исроф қилиш ҳолатлари кўпаймоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Европа давлатларида сув нархи қimmatлиги сабабли уни тежаш, сувдан унумли ва тўғри фойдаланиш даражаси юқори.

Нархларнинг ошиши биринчи навбатда сув исрофини камайтириш ва бозор нархларини жорий қилиш орқали ундан унумли фойдаланиш даражасини кўтариш назарда тутилмоқда.

Кези келганда шуни айтиш мумкинки, ичимлик суви тармоқларига ноқонуний, манфаат топиш мақсадида улаиш эндиликда жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Шундай экан, ичимлик сувидан ноўрин фойдаланиш, ноқонуний улаиш, уни беҳуда исроф қилиш нафақат бебаҳо ресурсга нисбатан хурматсизлик, балки мамлакатнинг сув сиёсатига нисбатан хиёнатдир.

“XXI asr” мухбири  
Карим ЗАРИПОВ  
ёзиб олди.

## ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

## МАҚСАДЛАР УЛКАН, ВАЗИФАЛАР ЖИДДИЙ

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

Ишчи гуруҳлар фаолияти самарадорлигини ошириш борасида стратегиядаги мамлакатимиз барқарор ривожланиши истиқболлини кўзлаган 100 та мақсадни амалга ошириш бўйича партия томонидан “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ишбилармон аёл”, “Бир депутат 100 аёлга кўмакчи”, “Бунёдкор аёллар”, “Менинг бизнес лойиҳам” каби лойиҳалар асосида ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

Ушбу тизимли ишларни янада жадаллаштириш бўйича давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг тўғри сарфланиши юзасидан жамоатчилик ва парламент назоратини янада ошириш кераклиги айтилди. Ўз навбатида аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича янги лойиҳа, таклиф ва режаларни ишлаб чиқиб, қонунчилик ва партияимиз сайловолди дастурларида белгиланган тадбиркорлар фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлаш ва ривожлантириш борасидаги ҳаракатларини кўлаб-қувватлаш бўйича ўз тавсия ва таклифларини бериб ўтди.

Шунингдек, жорий йилнинг 21 ноябрь кунин Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ер ресурсларидан оқилона фойдала-

ниш, ер ҳисобини юритиш ҳамда кадастр хизматларининг сифатини яхшилаш ҳамда 29 ноябрь кунин қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида ўтган видеоселектор йиғилишида қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан “Сувни тежаш – бурчимиз” лойиҳаси доирасида жамоатчилик назоратини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди. Дарҳақиқат, сиёсий куч сайловолди дастурида ҳам кўрсатиб ўтилганидек, сув ресурслари муаммоси келгуси ўн йилликда минтақамиз ва мамлакатимиз учун энг долзарб масала бўлиб қолаётгани қайд этилди.

Шу ўринда партия раҳбари сайлов қонунчилигидаги янгиликлар хусусида, қонунчилик нормалари, сайлов тизимидаги янгиликлар, аралаш сайлов: мажоритар ва пропорционал сайлов тизимлари бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракция йиғилишида сайлов тизимига оид қонун лойиҳалари ишлаб чиқилгани ва ҳозирда тарғибот ишлари амалга оширилаётганига алоҳида ургу бериб ўтди. Ушбу йўналишда давомли равишда амалий семинарлар таш-



кил этиш мақсадга мувофиқлигини қайд этди.

Партия фаолларидан Манзураҳон Эгамова ва Ўктам Ахунов ҳам сўзга чиқиб, йиғилиш кун тартибига киририлган муҳим масалалар юзасидан жойларда олиб борилаётган ишлар ва эришилаётган натижа-

лар хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди. Шу йўналишда ер, томорқа хўжаликларида унумли фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш орқали аҳоли даромадларини ошириш юзасидан тегишли тавсияларини улаишди.

Йиғилиш якунида барча партия фа-

оллари олдида турган муҳим вазифалар ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясидаги устувор мақсадларни амалга ошириш борасида чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди.

О‘zLiDeP матбуот хизмати

O'zLiDeP ФАОЛЛАРИ

# СЎЗИ БИЛАН ИШИ БИР ИНСОН

Эл-юрт меҳрини, ишончини қозониш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Йиллар мобайнида ана шу ишончини йўқотиб қўймаган, обрўси, шаънига заррача доғ туширмаган, аксинча, нуфузи янада юксалган одамлар орамизда кўп. Карманалик Юсуф Муродов ана шундай асл инсонлар сирасига киради. У хайрли ишлари, талай инсоний фазилатлари билан тилга тушган. Гарчи ўзи рўйхушлик бермаса-да, аксар оммавий ахборот воситалари олди-қочди гаплар, тағи пуч шов-шувлар билан тўлиб кетган даврда шу инсон тўғрисида икки оғиз сўз айтишни маъқул топдик. Токи унинг ҳаёти, фаолиятидан бошқалар, айниқса, ёшлар ҳам ибрат олсин, унга эргашсин.

Юсуф ака 32 йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланади. Халқ депутатлари Кармана туман кенгаши депутаты.

Ўзининг эслашича, 1991 йили иш излаб, Муҳаммадёр исмли тадбиркор билан танишиб қолган. Юсуфнинг ишчанлиги, ҳалоллигини кўрган ишбилармон унга ёшт цеҳини бошқаришни топширади. Тўрт киши кунига 300 дона маҳсулот чиқарарди. Ёш бошқарувчи ишлаб чиқариш жараёнига ва хомашё таркибига ўзгартиришлар киритиб, маҳсулот тайёрлашни кунига минг донага етказди. Бирор йил ўтиб, Юсуф ўзининг илк “Элбрус” фирмасини очди. Муҳаммадёр ва Юсуф 10 йил ҳамкорликда ишлаб, Қозоғистонга маҳсулот экспорт қилишарди.

Яқинда бизнесини бошлаган юртдошларимиз у пайтларда тадбиркорлик билан шуғулланиш нафақат машаққатли, балки хатарли ҳам бўлганини тасаввур қилмайдилар.

– 1998 йили қурилиш-таъмирлаш билан шуғулланарди, 350 ишчи-хизматчи ишлайдиган “Лидер-Ёқаҳама” фирмасини ташкил этдик, – дейди Юсуф Муродов. – Юздан ортиқ турли буюртмаларни бажардик. Тадбиркорлик фаолиятига ортиқча аралашув ва текширувлар кўпчилиги боис 2013 йил 9 ой давомида ҳисоб рақамимиз асоссиз музлатиб қўйилганди.

2007 йили италиялик инвесторлар билан ҳамкор-

ликда тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил этиш бўйича келишувга эришдик. Туман ҳокимлиги қўшма корхона қуриш учун ер ажратиб берди. Италиялик ҳамкорлар ажратилган ер майдонини кўздан кечириб, маъқуллашди. Аммо уларга ер майдоннинг хусусий қилиб берилмагани ёқмади. У даврда ер майдонлари хусусийлаштирилмас эди. Охири-оқибат ҳамкорларимиз шартномани бекор қилишди.

Ўша вақтларда шу каби ҳодисалар жуда кўп юз берарди. Юсуф ака сингари минглаб тадбиркорлар бор имкониятлардан фойдалана олмагани аниқ.

– Етти йил аввал ҳамма жабҳаларда бўлганидек, тадбиркорлик соҳасида ҳам янгиланишлар бошланди, – дейди суҳбатдошимиз. – Ишбилармонлар яйраб ишлайдиган замонлар келди. Дэйлик, банкдан кредит олишдаги бюрократик тўсиқлар бартараф этилиб, сармояни қайтариш муддати 10 йилгача узайтирилди. Тадбиркорлик фаолиятига турли аралашув ва ортиқча текширувларга чек қўйилди. Қўшимча қиймат солиғи 15 фоиздан 12 га туширилди. Қўшимча иш ўрни яратган тадбиркорга турли имтиёзлар берилётгани нур устига нур. Конвертациянинг очилиши ва корхона қуриш учун ер майдонларининг хусусий мулк қилиб берилиши мамлакатимизга катта инвестициялар жалб этилишига замин яратмоқда.

Эндиликда тадбиркорлик гуркираб ривожланыпти. Қанийди, лоақал 15 йил илгари шундай шaroитлар бўлганида, менимча, ҳозирги кунгача бизда камбағал қатлам қолмасди.

Ҳозирда Юсуф Муродов “Гранитшебенинвест”, “Карманаальфагазсервис”, “Шафот” каби йирик, самардорлиги юқори хусусий корхоналарга раҳбарлик қилмоқда.

Депутатлик мансаб ёки мартаба эмас, балки фидойилик, халқ таъбирига камарбасталик демакдир. Бу фикр худди Юсуф ака ҳақида айтилгандек. 2004 йили партиямиз сафига кирган тадбиркор 2019 йили депутат этиб сайланганди.

Ўтган йиллар давомида халқ ноиб турли ташкилотларга ижтимоий-иқтисодий масалаларга ечим топилиши сўралган юздан ортиқ депутатлик сўрови юборди. Улардан 93 таси ижобий ҳал этилибди. Яъни, халқ талаб-истаклари бўйича иш қўрыпти.

Амалга оширилган ишлардан бир шингил: “Янги-



O'zLiDeP Кармана туман кенгаши раиси Юсуф Муродов (чапдан иккинчи) партиядошлар билан мулоқотда

арик” маҳалласидаги 2 минг 700 метрлик кўчага асфальт, 700 метр узунликдаги яна бир кўчага бетон қопламаси ётқизилди.

Туман ҳокимлиги томонидан 2 миллиард 700 миллион сўмдан зиёдроқ маблағ ажратилиб, 3 та кўприк қайта таъмирланди, маҳалла аҳлининг узоғи яқин бўлди.

“Ташаббусли бюджет”га тумандаги 7-умумтаълим мактабига қўшимча бино қуриш лойиҳаси жойлаштирилган эди. Натижада ўтган йили 1 миллиард 190 миллион сўм маблағ эвазига 100 ўринга мўлжалланган икки қаватли бино қад ростлади. “Янгиарик” маҳалласидаги 175 та эскирган симёғочнинг 80 таси бетон таянчларга алмаштирилди. Қуни кеча Қизилтом қўчасидан ўтган ичимлик суви қувурининг 450 метрлик таъмирталаб қисми тўлиқ янгиланди.

Юсуф Муродов O'zLiDeP Кармана туман кенга-

шига раис этиб сайлангандан сўнг бир қанча ижобий ўзгаришлар бўлди. Партия тузилмалари томонидан Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан референдум ва Президентликка сайловолди тарғибот тадбирлари юқори савияда ташкил этилди. Партиявий тадбирлар шаклан ва мазмунан яхшиланди. Кармана туман кенгаши таркибидаги аъзолар сонини икки мингтага кўпайтиришга эришилди.

Дарвоқе, Юсуф Муродовнинг ибратли фаолиятига бир қур назар ташлаб, халқимизнинг “Сўзига эмас, ишига боқ” деган мақоли замирида қанчалик тегаран ҳикмат борлигини яна бир бор ҳис этдик. Ана шундай фидойи ва заҳматкаш тадбиркорларимиз сафи кенгайверсин!

Мусурмон РЎЗИЕВ,  
“XXI asr” мухбири

ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ

ОБУНА – 2024

## ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ОЛДИНГА СИЛЖИМОҚДА

Президентимизнинг жорий йил 31 январдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Қашқадарё вилоятида кичик бизнес ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли иш билан банд қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Молиявий кўмак берилган тадбиркорларнинг деҳқон хўжаликлари ва кичик бизнес субъектларига қишлоқ хўжалиги ер участкаларини узоқ муддатли ижарага бериш, хизмат кўрсатиш ва хунармандчиликни кенгайтириш, аҳоли ва уй хўжаликлари билан ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратиляпти. Кўпгина кичик бизнес субъектлари олган маблағларини ўз вақтида қайтарганликлари боис имтиёзли кредитдан қайта фойдаланиш имкониятига эга бўлишмоқда. Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан воҳада оилавий ишбилармонлиқни ривожлантириш борасидаги ишлар ўрганилиб, таҳлил этилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 4 апрелдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар ажратилиши тақомиллаштириш ҳамда аҳолининг доимий даромад манбаларини кўпайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан фермер, деҳқон хўжаликлари



Арзиқул ШЕПОВ,  
O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши  
раисининг биринчи ўринбосари,  
аппарат раҳбари

ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш учун микрокредитлар миқдори 3 миллион сўмгача оширилди. Ушбу сармоялар оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали ажратилиши бу борада шаффофликни таъминлаш, самарадор лойиҳаларнинг амалиётга таъбиғи борасида муҳим қадам бўлди.

Сўнгги олти йил мобайнида вилоятимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 148 мингдан зиёд аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 3 трлн 565,8 млрд сўм имтиёзли кредитлар ажратилган. Биргина жорий йилда Қашқадарёда шундай дастурлар доирасида 1 трлн сўм имтиёзли кредитлар ажратилиши режалаштирилган бўлиб, ўтган даврда 36 692 нафар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 812,5 млрд сўм маблағ берилди. Ушбу молиявий кўмакнинг

36 601 таси жисмоний, 91 таси эса юридик шахслар ҳиссасига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича бизнес билан шуғулланиш истагида бўлган 16 541 нафар ташаббускорга 431,3 млрд сўм ажратилди. Шундан 1 296 нафар аҳолига ихчам иссиқхоналар ташкил этиш учун 36,6 млрд сўм, чорвачилик билан шуғулланмоқчи бўлган 4 986 нафар аҳолига 152,5 млрд сўм, боғ ташкил этиш ниятидаги 8 538 нафар фуқарога 198,7 млрд сўм, парранда боқмоқчи бўлган 848 нафар аҳолига 17,9 млрд сўм, асаларилик, балиқчилик, қуёнчилик билан шуғулланмоқчи бўлган 878 нафар ёш тадбиркорларга 25,6 млрд сўм ажратилди.

Хунармандчиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратиляпти бос бандлик ва фаровонлик йил сайин ортиб борапти. Вилоятимиздаги 7 542 нафар оилавий тадбиркор 102,2 млрд сўм кўмак эвазига ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, хусусан, хунармандчилик ва тикувчилик фаолиятини бошлаш ва

кенгайтириш учун асбоб-ускуналар харид қилди.

Аҳолига қўлай хизмат турларини ташкил этиш ҳамда бошқа мақсадлар учун 12 609 нафар аҳолига 279 млрд сўм имтиёзли кредит маблағлари тижорат банклари томонидан молиялаштириб берилди. Маблағ ажратишда, аввало, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. 20 692 нафар хотин-қиз ва 13 291 нафар ёшлар жами 682 млрд сўм кредит маблағлари олишиб, оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Натижада минглаб аёллар ва ёшлар учун янги иш ўрни яратилди.

Кредитлар ҳоким ёрдамчиларининг тавсияномаси асосида ажратила бошлагач, улардан фойдаланиш самарадорлиги кескин ортди. Аҳолининг ташаббускор тадбиркорлик гоёларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида тижорат банклари томонидан олиб борилятган тизимли чора-тадбирларни изчил давом эттириш мақсадида йил охирига қадар яна 90 млрд сўм ресурс маблағлари ажратиб берилиши режалаштирилган.

Депутатлик гуруҳимиз аъзолари томонидан туман ва шаҳарларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишлар синчиклаб ўрганилган, навбатдаги йилги ишларимизда мазкур масала юзасидан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳисоботи эшитилди. Шунингдек, депутатлар томонидан ўрганишлар натижасида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, оилавий тадбиркорларни кичик бизнес субъектларидан йирик корхоналар даражасига кўтарилишини қўллаб-қувватлаш, бандлик ва фаровонликни ошириш мақсадида илғор хорижий тажрибалар асосида келгусида бу соҳани янада тақомиллаштириш борасида янги ва мукамал таклифлар ишлаб чиқиш, халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясига масала киритиш режалаштирилган.

Америка Қўшма Штатларида бўлиб қайтган жаҳонга ша дўстимиз дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бири бўлмиш океан ортида зиёли, ўртаҳол оддий америколик кунни бир қадаҳ қахзаю ва албатта газета мутолааси билан бошлашни, шаҳарлардаги газета сотадиган дўконларда эрталаблари одамлар янги чиққан нашрларни йўлда, транспортда ўқиб кетишадиганини кўриб, ҳайратланиб сўзлайди. Аслида бу табиий жараён.



## ЖИЗЗАХДА ҲОКИМЛАР ГАЗЕТА ЎҚИЙДИ!

Баъзан оддий одамлар, айниқса, мутасадди раҳбарлар билан мулоқотда бўлганимда, биринчи навбатда қизиқсиниб, уларнинг қандай китоб ўқиганликларини сўрайман. Айримлари ҳавас қилса арзигулик китобларини айтади. Лекин баъзиларидан ҳаммамиз ёд билган асарлар номини эшитган, энди секин ОАВ, ижтимоий тармоқларга бўлган муносабатини сўрайман. Турлича жавобларни таҳлил қиладиган бўлсак, қизиқ манзарага дуч келаман: “Ҳатто китоб, газета-журнал ўқилмайдиган оилани ҳам айтиб беришим мумкин”, “Нуқул телефонда шов-шувли нарсалар кўриб ваҳима кўтариб юргувчилар кам эмас”, “Бизнинг уйда қимматбаҳо телефонлар йўқ, интернетга қизиқмаймиз”, “Болаларимиз тирикчиликдан ортмаяпти, ҳатто телевизор кўрмайдую”... Булар ҳар хил тоифадаги одамларнинг муносабати. Лекин юртдошларимиз орасида кейинги пайтларда ҳар хил сайту телеграм каналлардаги кўрқинчли хабарлар, фожияли воқеалар акс этган видеолардан зада бўлиб бораётганлари кўп эканини яна таъкидлаш керак.

Оддий ҳақиқат шундай: ким билан мулоқот қилган бўлсам, уларнинг муомала маданияти, гап-сўзларидан инсонийлик даражаси, китобхон ё газетхонлигини шундоққина билиш мумкин. Аслида омман шов-шувлар, ўткинчи ахборотлар эмас, аксинча, билим ва саводхонлик, янги технология, инновациялар кўпроқ қизиқтириши табиий. Яна бир ибратли жиҳати шуки, зиёли, дунёқарашли кенг, янгилик ва ўзгаришлардан хабардор, маънавияти бой, замонавий билим соҳиблари етакчилик қилаёт-

ган соҳаларда ютуқлар кўплигидан кўнглингиз тўлади.

Сир эмас, айрим тоифа раҳбарларнинг ОАВ, хусусан, матбуотга муносабати ҳақида сал аввалроқ газетамизда танқидий мулоҳазалар ҳам билдирилган. Бу каби ҳақли эътирозларни тўғри тушуниб, ҳолисона қабул қилганлар, албатта, орамизда кўпроқ, десам муболаға бўлмайди. Шу маънода кейинги пайтларда айнан Жиззах ҳақида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси нашри “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетасига биринчилардан бўлиб обуна бўляётганлар орасида партия электорати вакиллари, депутатлар, оддий ўқувчилардан ташқари туман ҳокимлари ҳам кўпайгани қувонарли. Жиззах шаҳар ҳокими Комил Холмуродов, Шароф Рашидов туман ҳокими Маҳмуд Холбўтаев, Янгибод туман ҳокими Иброҳим Қаршибоев, Ғаллаорол туман ҳокими Жалолитдин Оқбоев, Арнасай туман ҳокими Хуришд Алимардонов, Зарбдор туман ҳокими Зафар Рўзиев, Пахтакор туман ҳокими Асилбек Ашуров шулар жумласидандир. Эътиборли томони, улар партия фаоли сифатида газетанинг ўзлари раҳбарлик қилаётган туманларда оммалаштиришга ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар.

Ўйлаймизки, бу ибратли тажриба бошқа вилоятларда ҳам анъаналарга айланади.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,  
“XXI asr” мухбири

## ОЙНА

Ҳар йили шундай манзара: Янги йил яқинлашган сайин пиротехника воситалари бозори қизий бошлайди. Инсонга лаҳзалик завқу шавқ улашадиган бундай матоҳларнинг фойдасидан кўра зарари катта эканини минг марта такрорлаган билан билганимиздан қолмаймиз. Статистикани кузатсак, фожиали рақамларга кўзимиз тушади. Қанчалаб каттаю ёшнинг юзи, қўли куйиши, кўр бўлиб қолгани, ҳатто ўлим ҳолатлари рўй бергани-чи?


Бугун биз “Пиротехника воситалари сотиб олинган, соғлигингизни асранг!” дея яна расмийтачилик учун тайёрланадиган узундан узок оғоҳликка чорловчи қуруқ эълонлар матнини ўқиб бермоқчи эмасмиз.

Бор-йўғи бир-иккита саволга жавоб излайлик: хўш, инсон учун энг хавфли саналган ва қонунга кўра тақиқланган пақилдоқлар бизнинг юртимизга қай тарзда кириб келмоқда? Ахир шаҳар бедарвоза эмас-ку, тўғрими? Чегараларимиз мустаҳкам қўриқланаётган бўлса? Контрабанда ёки яширин тарзда олиб кирилаётган ҳар қандай товар, буюм ёки маҳсулотми, барибир божхона назоратидан ўтилади-ку! Ёки бу каби хавфли воситалар бозорларимизда қандай пайдо бўлиб қолмоқда? Бундай қонунбузарликлар учун жавобгарлик белгиланган бўлса-да, ҳолат нега камаймапти, аксинча, йил сайин янада ортиб бормоқда?

– Пиротехника воситаларининг ноқонуний муомаласи ва бу жараёнда божхона ходимлари зиммасига юклатилган масъулиятли вазифалар кўлами, албатта, жуда катта ва жиддий. Ушбу ноқонуний хатти-ҳаракат аллақачон мавсумий ва аънавий тус олиб бўлган. Биламизки, бундай воситаларнинг Янги йил арафасида, нафақат, бизнинг мамлакатимизда, балки минтақамизда, ҳатто дунё миқёсида бозори чаққонлашади, – дейди **Божхона кўмитаси матбуот хизмати бош инспектори Ҳусан Тангриев**. – Рақамларга эътибор қаратайлик, биргина ўтган 11 ойда божхона органлари томонидан аниқланган 85 та ҳолатда қиймати салкам 2,2 млрд сўмлик 1 млн 951 минг дона пиротехника воситаларининг ноқонуний олиб кирилиши ва ички ҳудуддаги яширин айланмасига чек қўйилган. Масалан, яқинда ўтказилган тезкор тадбирда Тошкентда пиротехника воситаларини электрон тижорат платформалари орқали сотиб келаётган шахс 108 дона мушакларни “Спарк”га юклаётганида қўлга олинди. Хонадони кўздан кечирилганида 12 номдаги 1 382 дона шундай хавфли восита сақланаётгани маълум бўлди.

Бундай ноҳуш ҳолатга Сирдарёда ҳам божхоначилар чек қўйишди. Сайхунобод туманида “Isuzu” юк автотранспорт воситаси тўхтатилиб, кўздан кечирилганида, юкхонасидagi 8 та банан қутисидида аслида пиротехника яширилгани фош бўлди. Хорижда ишлаб чиқарилган ва ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган уч турдаги 201 минг донадан ортиқ пақилдоқларнинг умумий қиймати 123 млн сўмни ташкил қилди.

Булар ҳали аниқланганлари холос, аниқланмаганлари қанча?! Энг ачинарлиси, миқозу харидорлар ҳам бего-



на эмас, ўзимизникилардир.

Ҳусан Тангриевнинг изоҳ беришича, чегара-божхона постлари орқали пиротехника воситаларини олиб ўтиш умуман имконсиз!

Демак, бу турдаги воситалар асосан божхона назорати ўрнатилмаган айланма йўллар, мураккаб жойлашувга эга бўлган чегарадош ҳудудлардан юртимизга қонунларга зид равишда кириб келмоқда. Лекин бу, мазкур муаммо учун жавобгарлик тегишли идоралар зиммасидан соқит қилинишини аңлатмайди. Аксинча, ҳар доим хушёр ва огоҳ бўлмоқчи талаб этади.

Уринли савол туғилади: бозор ёки кўча-кўйларда ноқонуний тарзда тартибсиз ҳар хил буюмлар савдоси билан шугулланаётганлар яширин равишда пиротехника воситаларини пуллаётганини жамоатчилик кўрмаётими? Пақилдоқларни харид қилаётган болаларимиз пулни қаердан оляпти? Биз катталар билиб-билмасдан ана шу хатарли ўйинлар иштирокчисига айланиб қолмаёلمизми? Кимнинг тегириғига сув қуяёلمиз? Бир ғуруҳ нафс қўлига айлан-

ган кимсаларнинг чўнтагини фарзандларимизнинг энг кимматбаҳо соғлигини бой бериш эвазига тўлдириямизку?!

Қачонгача “Менга нима, ана ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари тутиб жазосини берсин-да” дея томошабинлик қиламиз? Ички ишлар органлари вакиллари ҳам сизу бизга кўпроқ суянади ахир! Айнан жамоатчилик назорати деган институт ҳудди шундай вазиятларда ишлаши керак эмасми?

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 185-моддасига кўра, пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташвиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, ҳудди шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистонга олиб кириш ёки ўтказиш – ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, жарима солишга (1 млн 700 минг сўмдан 6 млн 800 минг сўмгача) сабаб бўлади.

Шунингдек, Реклама тўғрисидаги қонуннинг 47-моддасига кўра, энергетик, алкоғолли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари ҳамда тамаки ва никотин

истеъмол қилиш мосламалари, пиротехника воситалари, қурол ва унинг ўқ-дорилари, ҳарбий мақсаддаги маҳсулотлар рекламасига доир талабларни бузганлик, шунингдек, ташқи реклама ва ахборотни жойлаштириш тартибини бузганлик – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари (17 млн сўм) миқдориди жарима солишга сабаб бўлади.

**Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директори Даврон Тўлагановнинг фикрлари ҳам эътиборга молик:**

– Бу мавзуга ҳар йили, айниқса, Янги йил байрами арафасида қайта-қайта тўхталамиз, пиротехника маҳсулотларининг инсон ҳаёти, саломатлиги учун хавфли жиҳатлари хусусида чиқишлар қиламиз. Лекин бу билан муаммо ҳал бўлиб қолавермайди.

Ўтган йилги мавсумда яъни байрамолди ва ундан кейинги кунларда ана шундай воситалардан олинган жароҳатлар туфайли марказимиз ҳамда унинг ҳудудий филиалларига ўнлаб оғир аҳволдаги беморлар келтирилди. Энг ёмони, уларнинг 50 фоизи шифохонада узоқ ётиб давола-нишига тўғри келди. Ҳатто баъзилари ҳозирги кунгача ҳам дарддан азият чекмоқда.

Нега десангиз бундай пақилдоқларнинг беҳосдан қаттиқ ёниши, портлаши соғлиғи заифроқ кишиларни ўчатиб, юрак-қон томир тизимига ўта салбий таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолат фожиали ўлим билан ҳам ақун топиши мумкин. Ёки руҳий бузилиш, сурункали асаб ва қон-томир тизими касалликлари, қандли диабет, аёлларда ҳомилага зиён етиши эҳтимоли ҳам юқори. Бу каби қўтилмаган ҳолатлар оқибатида:

юз, кўз, қўл соҳаларида оғир куйиш жароҳатлари;

қўзларнинг шикастланиши ва кўриш фаолиятининг қисман ёки бутунлай бузилиши;

жароҳат асорати билан боғлиқ пластик операцияларга муҳтожлик, куйган соҳаларда дағал чандиқлар;

қўл бармоқлари соҳаларида контрактуралар ҳосил бўлиши мумкин.

Яқин масофада пиротехника пақиллашдан инсон баротравма ва акустик жароҳатлар олиб, қарлик ёки умрбод қулоқ шанғиллаши (тиннитус) касаллигига йўлиқиши мумкин.

Хулоса қилмоққа шошилмайлик: кўзимизни каттароқ очиб атрофимизга соғлом назар билан боқайлик. Соғлиқни пул ё бойликка топиб бўлармикан? Лаҳзалик ўткинчи кайфият ё қувонч учун бир умр азоб-қўбат чекиш кимга керак? Зеро, ҳар қандай байрамни ёруғ юз билан, соғломликда оила, яқинлар даврасида хуш-хандон нишонлашга нима етсин?

**Карим ЗАРИПОВ,**  
“XXI asr” мухбири

# “БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ” АТБ

Biznesni  
Rivojlantirish  
Banki

ПРЕСС ТУР

Президентимизнинг жорий йил 14 сентябрдаги “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ соҳада узлуксиз хизматлар занжирини яратиш белгилаб қўйилди. Шу мақсадда 2023 йил 1 октябрдан бошлаб “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини амалга оширишга киришилди.

Эътиборли жиҳати, “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банки ушбу дастурни самарали равишда ҳаётга татбиқ этиш ва уни доимий тарзда такомиллаштириб бориш бўйича асосий таянч молиявий муассасалардан бири сифатида белгиланди. Дастурни 2023-2026 йилларда амалга ошириш учун давлат маблағлари ҳисобидан 6 триллион сўм ва халқаро молия институтларининг 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдоридидаги маблағлари йўналтирилади. Ҳозирда давлат идоралари ва масъул ташкилотлар томонидан бу муҳим ҳужжатни амалга ошириш бўйича амалий саъй-ҳаракатлар бажарилмоқда.



Бу ҳақда Қўқон шаҳридаги “Asmald palace hotel” меҳмонхонасида ўтказилган матбуот анжуманида маълумот берилди. “Замонавий хизматлар – ишонч кафолати” мавзусидаги тадбирда банкнинг Фарғона вилоят ҳудудий бошқарма раҳбарияти, Қўқон банк хизматлари офиси масъул ходимлари ҳамда республика ва вилоят миқёсидаги оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Фарғона вилоят ҳудудий бошқарма бошқарувчиси ўринбосари Муҳаммадсиддиқ Маматов банк хизматлари сифатини ошириш борасида йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида сўзлади. Айниқса, номи зикр этилган қарор аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини ўқитиш орқали уларнинг бизнес ташаббусларини молиявий ва консултьатив қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиш ва “Оилавий тадбиркор – микробизнес – кичик бизнес – ўрта бизнес” занжирини асосида улар фаолиятини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

– “Бизнесни ривожлантириш бан-

ки” АТБ Фарғона вилояти ҳудудий бошқармиси таркибида Фарғона, Қўқон ва Марғилон банк хизматлари офислари мавжуд, – дейди бошқарма бошқарувчиси ўринбосари Муҳаммадсиддиқ Маматов. – Улар орқали 117 381 нафар жисмоний ва юридик шахс бўлган миқозларга хизмат кўрсатилмоқда. Миқозлар сони ўтган йилга нисбатан 14 332 нафарга ошди.

Бошқарма томонидан вилоятдаги мавжуд тадбиркорлик субъектларига 2022 йил мобайнида 204 миқозга 309,6 млрд сўм кредит маблағи ажратилди, натижада 1 881 та доимий иш ўринлари яратилди. Жорий йилда эса 154 та юридик шахсларга ажратилган 388 млрд сўм сармоя туфайли 2 304 та доимий иш ўринлари ташкил этилди. Жорий йил бошидан буён жисмоний шахсларга 60,8 млрд сўм кредит (миқроқарзлар 6,7 млрд сўм, таълим кредитлари 2,4 млрд сўм, ипотека кредитлари 51,7 млрд сўм) ажратилди.

Давлат раҳбарининг “Ҳудудларда тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш механизмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори-га биноан банк томонидан тасдиқланган лойиҳалар 26 та (41,3 млрд сўм)ни ташкил қилиб, шундан 24 миқозга 38,1 млрд сўм имтиёзли кредит йўналтирилди. Хусусан, Фарғона вилояти Учкўприк тумани Қўқон эркин иқтисодий зонасида фаолият юритувчи “Avilon Kokand plus” МЧЖда тўқув, тикув трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун 3 млн АҚШ долларилек лойиҳа амалга оширилди. Қарабисзки, энди 250 нафардан ортиқ ишчилар меҳнат билан банд.

Шу куни ОАВ вакиллари учун ушбу корхонага пресс тур ташкил қилинди. Журналистлар у ердаги шароитлар билан яқиндан танишишди, ишчи-хизматчилар билан дилдан суҳбатлашди.

– “Бизнесни ривожлантириш бан-

## ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ



ки” АТБ Қўқон банк хизматлари офисининг миқозимиз, – деди жамият иш юритувчиси **Шаҳбоз Исмоилов**. – Бизни қўллаб-қувватлаб, ўз вақтида ажратган сармоялари туфайли янги ва замонавий технологияларни харид қилиб, иш сифатимизни мунтазам ошириб келямиз. Жорий йилда ҳам мато тўқиш ва бўяш дастгоҳлари сотиб олишимиз учун 2 млн АҚШ доллари миқдоридида кредит маблағлари ўз вақтида, 84 ой муддатга 24 ой имтиёзли давр билан ажратиб берилди. Ишлаб чиқариш субъектимизда хомашёдан маҳсулотни тайёрлашгача бўлган барча жараёнлар – мато тўқиш, бўяш ва трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш ишлари бажарилади. Товарларимиз асосан экспортга йўналтирилади. Йил бошидан шу вақтга қадар 9 млн 600 минг долларлик маҳсулот экспорт қилдик. Бу кўрсаткич ўтган йили 8 млндан ортиқ эди.

– Бу ерда ишлаш менга жудаям ёқади, бир ярим йилдан бери Фуқрат туманидан қатнаб ишлайман, – деди тикувчи Қундуз-

хон Қосимова. – Маошимиз ўз вақтида берилгани, меҳнатимиз самарасига қараб ойлигимиз ошириб борилади. Қолаверса, зарур шароитлар – иссиқ овқат, транспорт хизмати иш берувчи томонидан таъминланган.

Қўли қўлига тегмай ишлаётган опа-сингиллар, замонавий мосламалар ишлашини назорат қилиб ўтирган ака-укалар юзидаги мамнунлик, хотиржамликни кўриб, биз ҳам хотиржам тортдик. Ҳамюртларимизнинг чехрасидаги бу мамнунлик ортида эзлар оилалар тинчлиги, фарзандлар камолоти ва бахтиёрлиги аён эди. Бунга эса шундай муносиб меҳнат қилиш имконини яратиб берган тадбиркорларнинг заҳмати ва уларни қўллаётган банкнинг ҳиссаси алоҳида эканини эътироф этмасак бўлмайди, албатта.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**  
“XXI asr” мухбири  
Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.

# Иброҳим Ҳаққул: ЯШАШ УЧУН ФИКРЛАШ БОШҚА-Ю, учун яшаш бошқа нарса

Атоқли адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулнинг муштароҳи ҳақида замонавий ўзбек адабиёти юзасидан тадқиқотлари, ижтимоий-фалсафий мавзудаги долзарб публицистикаси фақат илмий доирага эмас, кенг жамоатчилик фикрига ҳам кучли таъсир қилгани аниқ ҳақиқат.

“Тафаккур” журналининг янги (2023 йил, 3) сонида ёзилганидек, “Ўзбек адабиётшунослигида Иброҳим Ҳаққулчалик сермахсул ва кўп китоб яратган ижодкор саноклидир. Садоқатли издошлари олимнинг ана шу улкан илмий-ижодий бисотидан асл ибратли фикрларни саралаб, “Иброҳим Ҳаққул ҳақиқати” деган ном билан тўплам нашр эттирилди”. Китобда берилган парчаларни биз ҳам газетхонларимизга илдиндик.

● ● ●

Улуғ одам беомон руҳий заҳмат, тушкунлик ва некбинлик машаққатлари ичидан ёлғизлик маррасига кўтарилади. Ҳамма нарса пул билан ўлчанадиган, мансаб, виждон ва эътиқод манфаату обрўга сотиладиган, муомала-муносабат самимияти емирилган жамият кишилари даврасида виждони уйғоқ инсон янада ёлғиздир.

● ● ●

Эътиқод ва унга садоқат инсон фарзандини азал-азалдан курашга ундаб келган. Эътиқоднинг феъл-атвори ҳамма замонларда айтарли бир хил. У ҳеч вақт эҳтиёт кўрпасига бурканиб яшамаган. Доимо унинг мурасиси – мурасисизлик, қудрати – лиқилдоқ ҳақиқатларга суянмаслиқдир. Асосий шиори – қаршилиқни қаршилиқ кучи билан енгиш.

● ● ●

...Ўзни топиш – ғаму аламлар салмоғини аниқ ҳис қилиш ҳамдир. Жаҳонда ғам кўп. Қулфат исталгандан зиёда. Армон сўнгсиз. Аммо уларни бағрига сиғдиришга қодир юрак кам.

● ● ●

Чинакам озодлик бу – инсон сийратининг ташқи таъсирлардан озод бўлиб, ўз кўнглида мутлақ ҳўжайинга айланмоғидир.

● ● ●

Исён руҳидан маҳрум оломонни хоҳлаганча эзиш, истаган йўсинда таҳқирлаш мумкин. У чидайверади. Чидам – эрксизликнинг иккинчи номи.

● ● ●

Тарихимиздаги барҳаёт сиймоларнинг деярли барчаси энг оғир, энг мураккаб шарт-шароитларда ҳам ақлни кишанлардан озод айлаш, фикр ҳурлигига етишиш, виждон эркинлигига йўл очиш учун курашган.

● ● ●

Яқинда мен бир йигитчани ўзимча рағбатлантирган бўлиб, “Одам ёшлиқда кўп нарсани ўқишга, билишга уринмоғи керак”, десам, у “Йўқ, домла, одам фақат нақд фойда чиқадиган нарсага вақт сарфлаши лозим”, деди. Мен бу гапни эшитиб жимиб қолдим. Демак, китоб ўқишдан ҳеч фойда йўқ, китобсиз ҳам яхши яшаш мумкин, деб ўйлайдиган ва шунга қатъиян ишонадиган авлод шаклланаётди!..

● ● ●

Инига чўп суқилса, ари ҳам одамга ёпишади, талайди. Юрт босиб олинса, вайрон этилса, элнинг қони тўкилса, ҳокимият зўравонликка, қарамликка асосланса, одам фарзанди ари қадар қаршилиқ кўрсатмасинми, аричалик ҳам қаҳри йўқми унинг?!

● ● ●

Ватан авомлик балосидан фориг бўлганда қудратли юртга айланади. Ватанда... ҳеч ким оломондан таянч ахтармаса – бу ўлканинг ҳар гўшаси маърифат ва маънавият, тафаккур ва ҳақиқат пойтахтига айлангуси. Зеро, миллатнинг улуғ саводати ва хуррияти ҳам шудир.



● ● ●

Ҳаётда бош ҳақиқатлар бор: Ватан, Тарих, Тил, Халқ, Эрк, Ишқ... Буларнинг ҳар бири қисматни ҳал этадиган тушунчалар. Шундай тушунчаларга умрини тиккандагина инсон курашчига айланади. Шундагина ҳаётда нима муҳим, нима номуҳим – хатосиз фарқланади.

● ● ●

“Ватандош бўлмаса, ватан бўлмайди”, дейди Ибн Арабий. Демак, ҳар қандай ватаннинг тарихи, бугуни ва келажаги ватандошлик туйғусининг қандай шакллангани, нечоғлик куч-қудратга эга эканига боғлиқ. Ҳақиқий ватандошлиқдан мудом маслақдошлик туғилади. Маслақдошлик эса ўзни англаш ва ўзига ишонишга, ҳеч нарсадан чўчимай, кўрқмай яшашга руҳлантиради.

● ● ●

Ғаддор дунё энг курашчан шахсларни-да чарчатади. Кўпинча шулар ҳам яхшироқ ёмон, ёлғуну рост, арзирли ва арзимас – ҳамма-ҳаммасига этак силкигиси келади. Аммо ҳар қанақа ҳолатда улар кўнглида ҳаёт севгиси, юрт меҳри, инсон муҳаббати чақнаб-чарақлаб туради.

● ● ●

Яшаш учун фикрлаш бошқа-ю, фикрлаш учун яшаш бошқа нарса.

● ● ●

Машҳур турк шоири Меҳмед Акиф Эрсой “Биз асарларимизни номусли оилаларда ўқилишини кўзлаб ёзурмиз. Зотан, ижтиҳодимизга кўра, адабсизлик бошланган нуқтада адабиёт тугайди”, деган эди. Ахлоқ-одоб бўҳрони адабиётни таназулга маҳкум айлаши шубҳасиз. Аммо адабиётни емирадиган, ўлдирадиган асосий фалокат имонсизлик ва эътиқодсизликдир.

● ● ●

Адабиёт ҳеч қачон ҳеч бир халқ қорини тўйдириб, уст-бошини бут қилмаган, қилолмайди ҳам. Адабиётсиз яшаш мумкин, бадиий китоб ўқимаса ҳам кун ўтаверади. Аммо бу – кун эмас, зулмат бўлади! Руҳ ва кўнгил зулмати, ақл ва тафаккур қоронғилиги! Бошқа номлари ҳам бор унинг: ғафлат, жаҳолат, авомлик! Дид, савия ва идрокни адабиёт тарбияламаса, нима тарбиялайди?!

● ● ●

...Шарқнинг буюк фарзандлари имон ва эътиқоддан чекинишдан кўра ўлим томондадил бормоқни афзал ва устун кўрган.

● ● ●

Инсоннинг фикрлашига қарши ишлайдиган энг аёвсиз ва даҳшатли “қурилма” бу – бюрократия. У ҳур фикр ва демократиянинг жаллоди эрур.

● ● ●

Ўзбек зиёлиларига хос бир хусусият бор: ҳақ сўз учун жазо берилмаслигига аниқ ишонч ҳосил қилмагунча аксари ҳақиқатдан сўз очмайди.

● ● ●

Кўрқувнинг занжирлари кўп. Ҳақсизлик ва зулмдан кўрқув, амал ва амалдордан кўрқув, жаллод ва жосусдан кўрқув, ҳокимият ва ўлимдан кўрқув – шунга ўхшаш юзлаб кўрқув кишанларидан озод бўлмаган халқнинг қисмати аянчлидир. Бундай халққа “Кўрқманг!” дейиш кўрқувга ундаш билан баробар.

● ● ●

Фикрда, ишда, яшашда ҳурликка эришмоқ – комилликнинг тамали ана шу. Баландрпарвозроқ эшитилса ҳам айтиш керакки, эркинлик йўли – маъно ва маънавият, ҳақиқат ва руҳоният йўли.

● ● ●

Ўлимни билмоқ – ундан кўрқиб ёки дунё завқи, ҳаёт гўзалликларидан кўз юмиб, қабрга юз бурмоқ дегани эмас. Аксинча, тириклик ва гўзалликни севиш, вақтни ғанимат билиб, эзгу ишни кечиктирмай бажариш, фаний умрни юксак ҳақиқатларга бағишлашдир. Ўлимни Ҳақ ҳақдаси сифатида қабул қилишга тайёрланмаган киши Маърифат сирларини ўзлаштирмайди ҳам рағбат этмайди.

● ● ●

Инсон умри – руҳоний оламдан борлик оламига, ундан яна охираат дунёсига муборак бир сафардир. Шу сабабдан ҳам унинг ҳаёти ва тақдир йўли бир ҳижрат, бир сафар, бир хотира мазмунига эга...

## БУ ЙЎЛЛАР ЭГА(СИЗ)ЛИ ЙЎЛЛАР...МИ?!

Азалдан йўллар мавзуси долзарб ва энг оғриқли мавзу бўлиб келган. Ҳозирам шундай, афсуски! Йўллар учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар беҳисоб.

Ўзбекистон Автомобиль йўллари кўмитаси ахборот хизмати раҳбари Нилуфар Жумаеванинг бизга тақдим этган маълумотига эътибор беринг:

“Ўзбекистон Республикасида автомобиль йўллари тармоғининг жами узунлиги 209 минг 496 кмни ташкил этади.

Шунинг 42 минг 869 км яъни 20 фоизи Автомобиль йўллари кўмитаси тасарруфидаги йўллар ҳисобланади.

Тасарруфдаги бу йўлларнинг 3 993

км халқаро аҳамиятдаги, 14 минг 203 км давлат аҳамиятидаги ва 24 минг 673 км маҳаллий йўллардир.

141 минг 882 км, яъни 68 фоизини қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчалари ташкил этади.

Қолган 24 минг 745 км, яъни 12 фоиз йўл идоравий ва инспекторлик йўллари улушига тўғри келади”.

Баъзан аксариятимиз билиб-билмай мазкур кўмита шаънига аччиқ-нордон гапларни айтаверамиз. “Фалон вилоят (ё туман, қишлоқда) шунча йўллар хароб аҳволда, қачон таъмирлашади?” деганга ўхшаш танқидларга ҳар лаҳзада кўзимиз тушади.

Бор-йўғи мамлакатдаги 20 фоизгина йўлларга масъул бўлган кўмита, албатта, ўз имконияти доирасида баҳоли қудрат ишлапти. Лекин қолган 80 фоиз йўллар-чи? Улар қачонгача “бор отанга, бор онангга!” бўлиб ётади?

Маҳаллий ҳокимликлар-чи, улар ўз тасарруфидаги йўлларнинг ҳароба аҳвали учун жавобгар эмасми? Ёки неча юзлаб ҚФЙ, МФЙ деган идоралар ўз ҳудудларидаги йўлларни назорат қиляптими? ШАҲАР Ё ҚИШЛОҚ, ВИЛОЯТ Ё ТУМАН БЕДАРВОЗА ЭМАС! ЙЎЛНИНГ ЭГАСИ – ДАВЛАТ, ХАЛҚ!

Билиб қўйинг, йўллар ҳеч кимнинг отасидан қолган чорбоғ эмас! Ҳар қадарда учраётган сунъий тўсиқларни



ўзбошимчилик билан ўрнатаётган кимсалар ёки ўз кўчаларига пултили шлагбаум ва киришни тақиқловчи белгилар қўйволган бойваччалар кимнинг эркатойи?

Нега бирор масъул ташкилот – йўл

эгалари, йўл ҳаракати хавфсизлигига дахлдор раҳбарлар бу каби бебошликларга, ноқонуний хатти-ҳаракатларга миқ этолмаяпти?

Бу каби саволларга газетамиз орқали жавоб излаймиз?

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Ортиқали Номозовнинг

вафоти муносабати билан оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

О‘зLiDeP Бухоро вилоят кенгаши жамоаси ушбу кенгаш ҳузуридаги

Фахрийлар кенгаши раиси, партия фаоли Беҳбуд Жумаевга турмуш ўртоғи

Назира ая Хидированинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –  
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:  
Ақтам ХАЙТОВ  
Дилшод ШОУМАРОВ  
Шухрат БАҒОЕВ  
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД  
Адҳам ШОДМОНОВ  
Виктор ПАК  
Насимжон АЛИМОВ

Таҳририят манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:  
xxi\_asr@mail.ru  
xxi\_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –  
71 215-63-80  
(тел./факс).

Обуна ва реклама  
бўлими –  
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан  
рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета офсет усулида, А-2 форматда  
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.  
Буюртма рақами: Г – 1245

Адади: 9038  
Баҳоси келишилган нархда.  
Топширилди – 17:50

Таҳририятга келган қўлғизмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифларга  
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба  
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи  
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида  
терилди ҳамда дизайнер

Маъруфжон Раҳмонов  
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406  
123456

Навбатчи муҳаррир:  
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА